*Ёшлик! Инсонга бор-йўғи бир маротаба бахш этиладиган буюк неъмат, бахт, омад.*

*Ёшлик! Битмас-туганмас ғайрат-шижоат, жўшқинлик ва ўз куч-қудратига, ёрқин келажагига мисли сиз ишонч!*

*Ёшлик! Тоғлардек юксак, осмондек мусаффо орзу-умидлар, инсонга, ҳаётга, ёрга, Ватанга чексиз ва беғубор муҳаббат ғунчалаб, тўлиб-тошган умрнинг гултожи, серзавқ-сержилва дамлари!*

# ЁШЛИКНИНГ ҚЎШАЛОҚ ОМАДИ

Ҳа, ёшликни ҳар қанча таърифласанг, ҳар қанча мадҳ этсанг — кам. Зеро, у булбул наволари-ю, шоир шеърлари, муғанний созлари куйлайвериб адоғига етолмайдиган ҳаётдай абадий, сўнгсиз илҳом манбаи. Айни пайтда ёшлик болалик ва ўсмирликдан етуклик, комиллик мақомига эришиш йўлидаги шундай бир олтин кўприкки, унинг жозибаси, мафтункорлиги бир умр ёддан чиқмайди. Умрнинг шу онларини олтин давр ҳам деб аташади. Бунда ҳам муболаға йўқ, бу ҳам тўғри. Чунки бошида таъкидлаганимиздек, у инсонга бир маротаба берилади ва уни қанчалик серзавқ, мазмунли, жамият ва ўзи учун фойдали ўтказишга қараб, инсоннинг бутун ҳаёт йўли, тақдири таркиб топади.

Ёшликнинг жўшқин, серзавқ, жозибадор ва ҳар бир инсонни ёрқин тақдирга етакловчи тарзда ўтиши жамиятнинг ёш авлодга муносабати, инсонпарварлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ёшликнинг қўшалоқ омади деганда биз айнан шуни кўзда тутгандик. Ҳа, ёшликнинг ўзи бир омад бўлса, унинг халқимиз асрий орзулари ушалиб, Истиқлолга, мустақил ҳаётга эришган тарихий бир даврга тўғри келганлиги бугунги ёшларимизнинг иккинчи ва тақдир инъом этган буюк омадидир. Зеро, ёшларимизнинг неча-неча авлоди шу ёруғ кунларни, шундай омадли навқиронликни қўмсаб ўтди.

Бунинг чуқур сабаблари бор эди. Собиқ тоталитар тузум ваъда қилган «олтин тоғлар» қоғоздагина қолиб кетаверарди. Ваъда қилинган билим олиш ҳуқуқи ўн йил мобайнида фақат савод чиқаришдан нарига ўтолмасди. Ҳатто олий маълумотли мутахассис дипломи ҳам ёшларимизга билимдон, малакали ва ўз соҳаси бўйича етарли иқтидорга эга бўлиш имконини беролмасди. Меҳнат қилиш ҳуқуқи эса, кўпроқ пахта етиштириш билан, қурилиш батальонлари, комсомол зарбдор қурилишлари билан боғлиқ кам унум ва силлани қуритувчи, тушкунликка элтувчи машаққатли меҳнатдан иборат бўлиб қолганди. Хуллас, шўро замони ёшлари ҳаёти шундай пухта ўйлаб ташкил этилгандики, улар коммунистик манқуртлар сафини узлуксиз тўлдириб, ўз тақдирлари устидан қандай ҳукм чиқарилишидан қатъий назар, бир хилда «гулдурос қарсаклар» чалавераридилар.

Охир-оқибат эса, ўша «ариқларда сув ўрнига сут оқадиган» коммунизм асли сароб бўлиб чиқди. «Қизил империя»дан халқимизга ўта мафкуравийлашган ночор иқтисодиёту, қуриб қолаёзган Орол, ҳаддан ташқари минераллашган, заҳарли дориларга тўйинтирилган ва ярoқсизланаёзган ерлар қолди.

Буларни тилга олишдан мақсад чоризм даври ва собиқ Иттифоқдан бизга нималар мерос бўлиб қолди-ю, ҳаётимизга билинтирмай кириб келган Истиқлол халқимизга, ёшларимизга нималар берганини яна бир бор ёдга солишдир. Зеро, шўролар мафкураси кишилар онгига шу қадар сингиб кетган эдики, халқимиз ташқи дунёдан баланд деворлар билан шунчалик ўраб ташланган эдики, ҳали ҳам «ҳар қалай қорин тўқ қуллик»ни қўмсовчилар йўқ эмас.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлодга ғамхўрлик давлат сиёсатига айланди, жамиятни ислоҳ қилишда айнан ёшларимизнинг иқтидори, ақл-заковати, куч-ғайратига таяниш улуғвор мақсад бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Президентимиз ташаббуси билан биринчилар қатори республика Парламенти ёшлар ҳақ-ҳуқуқларини белгилаб берувчи, улар ҳимоясини таъминловчи Қонунни қабул қилди. Кадрларни тайёрлаш миллий дастури, халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш стратегияси ишлаб чиқилди.

Ёдингизда бўлса, 9-синфни битиргандан кейин ёшларнинг катта қисми на ўқимай, на ишламай бекорчиликка маҳкум этиларди. Бу эса, инсон умрининг энг гўзал, баҳорий даврини бемаъни қилибгина қўймай, йигит-қизларнинг номақбул йўлларга кириб кетиши учун қулай шароит туғдирарди. Олий Мажлиснинг сессияларидан бирида Юртбошимиз бундай ҳолатга чек қўйиш, ёшларимизнинг айни инсон сифатида шаклланиш даврида уларга ёрдам бериш, тўғри йўлни кўрсатиш, ўсмирлар куч-ғайратини билим ва касб-ҳунар ўрганишга йўналтириш муаммоларини кўтариб, бу муаммоларни ҳал этишга мутахассисларни сафарбар қилиш билан бирга ўзлари шахсан иштирок этдилар.

Ҳозирги кунда халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, 9-синфдан кейин барча ёшларнинг уч йиллик академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришларини кўзда тутувчи давлат дастури фақат республикамизда эмас, балки собиқ Иттифоқ мамлакатлари, ривожланган давлатларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлди. Шу йилдан бошлаб чин маънода бахтиёр ёшларимиз дастлабки ишга тушган лицей ва коллежларда таълим ола бошлайдилар. Кўплаб ёшларимиз энг ривожланган мамлакатларда таҳсил олмоқдалар, энг замонавий касб-ҳунарларни эгаллаб қайтмоқдалар. Шуниси қувончлики, йигит-қизларимиз хорижда ва мамлакатимизда энг нозик электроникага асосланган технологиялар, техникаларни эгаллаб, ўзларининг ноёб талантлари билан ҳаммани қойил қолдирмоқдалар.

Мана шуларнинг ҳаммаси ёшларга, умуман ёш авлодга кўрсатилаётган бошқа ғамхўрликлар фақат Истиқлол бахш этган неъматлардир. Шунинг учун ҳам буни бутун онгимиз-шууримиз билан чуқур англашимиз, бугунги кунимизнинг қадрига етиб, эртанги истиқболимизнинг порлоқ йўлларини оча боришимиз керак. Бу — ҳар биримиз учун виждон амри, фуқаролик бурчидир.

Ёшларимиздан фақат бир нарса — яратилган имкониятлардан фойдаланиб, пухта билим олиш, буюк келажагимизга хизмат қилувчи касб-ҳунарларни қунт билан эгаллаш, ёшлик шижоати билан ёрқин истиқболни ярата бориш талаб қилинади. Бу эса, уларнинг жамият учун керакли ва фойдали эканликларини ҳис этишга ёрдам беради, ҳаётда қатъий ишонч билан ўз ўринларини мустаҳкам эгаллашларини таъминлайди.

Айни пайтда чуқур билим ва ҳаётий тажриба ёшларимиз маънавиятини мустаҳкамлайди, «оқ-қора»ни ажрата билишга ўргатади. Жамиятимизнинг бутун тараққиёти, ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамияти қурилиши йўлидаги интилишларимиз ҳар бир йигит ва қизнинг ҳаётда тўғри йўлни танлаши, сермазмун ва ўрнак бўларли умр кечиришини кафолатлайди.

Шундай экан, ёшлар, ҳар бир йигит ва қиз бугуннинг қадри, давр масъулиятини чуқур ҳис этиб, Ватан, халқ олдидаги бурчларини сидқидилдан адо этишлари ҳам қарз, ҳам фарз. Ёшларимизнинг аксарият кўпчилиги худди шундай қилаётганлигини мамнуният билан таъкидлаш ўринли. Улар ҳамма ерда, ҳамма вақт ўзларига хос шуур, жўшқинлик билан ва айни пайтда собитқадамлик билан билим пиллапояларидан юқориламоқдалар, Ватан шуҳратини ўз меҳнатлари билан олис-олисларга ёймоқдалар, келажаги буюк давлатимизни барпо этишда Президентимиз теварагига жипслашган соғлом кучлар сафида жавлон урмоқдалар.

Шу билан бирга, афсуски, ёшлик — ғўрлик деганларидек, турли аламзада кучлар, диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб, адашиб-улоқиб, қаттиқ пушаймон бўлаётганлар ҳам борлигини айтмай иложимиз йўқ. Булар жаҳолатпараст кучларнинг мўлжални аниқ нишонга олиб ишлаётгани, ёвуз ниятларини дин ниқоби остига олиб, макр-ҳийла билан иш кўраётганларидан далолатдир. Айни пайтда бу — улуғ мақсадлар, улуғ ишларимизга қатъий ишониб, бирмунча хотиржамликка берилишимиз, аҳоли айрим табақаларида ҳали ҳам ўзини билдираётган лоқайдлик натижаси ҳамдир.

Бинобарин, давлатимиз бошлиғининг огоҳликка доимий даъватлари ҳамда тараққиётимиз душманларига қарши баҳамжиҳат фаол кураш олиб боришга чақириқларини доимий ёдда тутишимиз, осойишталигимиз, ёрқин тақдиримиз ўғрилари, айниқса йигит-қизларимизнинг бир мартагина бериладиган бебаҳо ёшликларига тажовуз қилувчиларга якдиллик билан қарши чиқишимиз бугуннинг долзарб вазифасидир. Бугунги огоҳлик, бугунги саъй-ҳаракатларимиз чинакам дунёвий, умумфаровонлик давлати ва эркин фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолади.

— Биздан озод ва обод Ватан қолсин!

Президентимизнинг шу даъватларини рўёбга чиқариб, ёшларимиз ўзларидан кейинги ҳар бир авлодга янада эркин ва янада обод Ватанни топширишса — бундан ортиқ бахт бўлмаса керак дунёда!

*Саид ВАЛИЙ.*

*«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт».*

Ислом КАРИМОВ.

# ФАРЗАНДЛИК БУРЧИН ОҚЛАМОҚ САОДАТДИР

## ЁШЛАР САҲИФАСИ



*Талаба-ёшларимиз замонавий техника воситаларини ўзлаштириб XXI аср сари дадил одимламоқдалар.*

# ТАЛАБА ВА ЗИЁ МАСКАНИ

*Кейинги йилларда Тошкент давлат техника университетида турли шакл-усулларда, йўналиш ва кўринишларда, талабалар маданият саройида, кутубхоналар залларида, аудиторияларда, шоирлар, ёзувчилар, олимлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, жамоат ва маданият арбоблари билан профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этган қатор учрашувлар ўтказилиб, ёшларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдиришга эътибор қаратилди.*

Талабаларнинг пойтахт театрларида, темурийлар тарихи давлат музейи, Бадиий академия кўргазмалар залларида тасвирий санъат асарлари билан танишишлари шубҳасиз, уларнинг ҳис-туйғуларини бойитди. Бўш вақтини янада мазмунли қилди.

Ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар асосида талабалар билан фикр алмашувлар, кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, юқори даражадаги ахлоқий-маданий ва ҳозирги замон педагогик талаблар даражасида ўтказилган тадбирларнигина ёшларимиз қабул қилишмоқда.

Талабаларнинг етук мутахассис, комил инсон бўлиб етишишларида техника университетининг Асосий кутубхонаси (факультетлардаги соҳавий кутубхоналари билан бирга) аҳамияти ошиб бормоқда. У фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Ўрта Осиёда энг катта ва бой техник билимлар хазинаси мақомига эга ҳисобланади. Шунга кўра у илмий техник ахборот шохобчалари абонент нуқтаси учун мутаносиб, нисбат бўйича «IBM PC/AT» компьютер тизимида ўз фаолиятини олиб бориш мақомига бириктилган бўлиб, мазкур йўналишда иш олиб боради. Кутубхонанинг босма нашрлар умумий фонди бир миллиондан ошади. Ўзининг 70 йиллигини нишонлаётган бу зиё масканида бир неча тилларда илмий-техник адабиётлардан ташқари, ўқув-услубий, вақтли матбуот нашрлари, бадиий, ижтимоий-гуманитар адабиётлар, ўқув юртимизнинг соҳалар бўйича илмий кенгашларда ёқланган мингдан ортиқ диссертациялар, авторефератлар, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг асарлари ва бошқа қатор нашрлар жой олган. Кутубхонада сиёсий, иқтисодий, менежмент, маркетинг, социология, психология, информатика ва компьютерлар бўйича энг янги адабиётлар тўпланган. Бу ерда китобхонларга шаҳар бўйича кутубхоналараро абономент орқали хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилади.

Президент Ислом Каримов асарлари асосидаги қатор мавзулардаги кўргазмалар «Жаҳонга машҳур аждодларимиз», «Маънавият ва маърифат», «Диний экстремизм ва фундаментализм» мавзуидаги кўргазмалар талабаларда яхши таассурот қолдирди.

Бадиий адабиётларга китобхонларда талаб айниқса каттадир. Улар замонавий бестселлер, тарихий, ижтимоий, иқтисодий, давлат тилидаги адабиётлар, кутубхонадан оладиган адабиёт журналларини қизиқиб ўқишади.

Ҳар ойда янги адабиётларнинг очиқ кўриги ўтказилиши анъанага айланиб қолган ва у такомиллаштирилмоқда.

Кутубхона кенг мустақил халқаро муносабатларга дадил кириб бормоқда. Қироатхоналарда ҳозирги кунда энг зарур масалаларга бағишланган, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида босилиб чиққан китоблар, газета ва журналларни учратиш мумкин. Кутубхона жовонларидан Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси тақдим этган китоблар, инглиз тилида чоп этилган Америка ҳаёт тарзи ва тарихига оид китоблар, видеокассеталар, 22 жилди «World Book» (Жаҳон китоблари) қомусини кўриш мумкин.

Кутубхона жамоаси ёшларни чуқур билимли мутахассислар, комил инсон қилиб вояга етказиш ишида ўзимизда тўпланган тажрибагагина суяниб қолмасдан, жаҳонга чиқиб, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳам синчиклаб ўрганиб, қўллашга ҳаракат қилмоқда. 1999 йил 17 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эса кутубхона системасида ёшларни билимли, маърифатли қилиш йўлида, фидокор, зиёли кутубхоначиларни сақлаб қолиш ва уларнинг тажрибаларидан баҳраманд бўлиш имкониятини кенгайтиради.

*Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.*

*Бир донишманддан шогирдлари ёшликни нимага ўхшатиш мумкин, тўғри ўтказилмаган ёшлик даври қандай натижа беради, деб сўрашганда, у қуйидагича жавоб берган экан:*

*— Ёшлик даври атиргулга ўхшайди, агар шу гулдан яхши истифода қилмай, уни эзиб янчган киши қариганда тиканга ўтиради.*

*Мулоҳаза*

# АТИРГУЛГА ЎХШАЙДИ

Дарҳақиқат, ёшлик гўёки атиргул мисолидир. Унинг қанчалик ифорли бўлиши эса албатта ёшларнинг ўзларига, йигит-қизларга боғлиқ. Хўш, ҳозирда ёшлар умрнинг энг сурурли, юракда эзгулик жўш урадиган айнан мана шу даврини тўғри ўтказяптиларми, юқоридаги ҳикоятда айтилганидек улар ҳам қариганда «тикан»га ўтириш даражасига етиб қолмайдиларми? Биз ана шу саволлар билан айрим ёшларга мурожаат этдик.

**Ғайрат ШОВДАРОВ, 23 ёш;**

— Мен бу йил Жаҳон тиллари университетини тугаллаяпман. Университетда ўқиш мобайнида ўз касбини пухта эгаллаган педагог-ўқитувчилар, чет эллик мутахассислардан сабоқ олдим. Ҳаттоки хорижлик устозлар мени чет давлатда таълим олишимни давом эттиришни ҳам таклиф қилишди. Албатта бу юртимизда илмга интилувчан ёшларга берилаётган эътиборнинг бир кўринишидир. Бироқ мен оилавий шароитим ва ўзим туғилиб ўсган қишлоғим мактабларида ҳам ўқитувчиларга талаб кучлилигини инобатга олиб, ўша ерда ўқитувчи бўлиб ишламоқчиман. Менимча бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Мен ана шу ерда ҳам Ватанга муҳаббат ҳиссини бемалол намоён эта оламан, деб ўйлайман.

**Алижон КОМИЛОВ, 30 ёш;**

— Мана ўн йилдирки ҳайдовчи бўлиб ишлайман. Ишим юзасидан турли тоифадаги одамларга дуч келаман. Айрим ҳолларда мен бошқарадиган машинага шундай ёшлар чиқишадики уларни кўриб ҳайрон қоласан киши. Баъзилари айнан бир йўналиш бўйича кунига икки, уч маротаба қатнаб бекорчиликдан зерикишмайди. Улар шундай бекорчиликдан турли диний оқимларга кириб кетмасликларига ким кафолат бера олади?

**Дилфуза БЎРИБОЕВА, 26 ёш;**

— Ҳозирда баъзи бир ёшлар, айниқса йигитлар ёшлик даврини ўқиш, изланиш билан ўтказиш ўрнига ҳар хил диний оқимлар таъсирига берилиб кетмоқдалар. Мен ана шундайларга жуда ачинаман. Наҳотки улар ёшлик даври ўтгач, шу ўтган даврдан унумли фойдаланмаганликларига ачинмасалар. Келажакда уларнинг фарзандлари умрнинг энг гул фасли бўлган ёшлик фаслини қандай ўтказишганлигини сўрашганда нима деб жавоб беришаркин?

Азиз ёшлар, сиз ёшлик давридан унумли фойдаланяпсизларми? Кексалик насиб этганда ўтган умрингизга назар солиб аттанг демайсизми?

*Нилуфар МИРЗАБЕКОВА.*

# МУНОСАБАТ МОҲИЯТНИ ЎЗГАРТИРСИН

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар ҳокими ўринбосарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, «Камолот» жамғармаси туман бўлими раҳбари, туман меҳнат бўлими бошлиқлари иштирокида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

Кун тартибидаги асосий масалалар — ёшларни ақидапарастлик оқимлари таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида «Камолот» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимларида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ушбу жамғарма шаҳар бўлимининг раиси М. Расулова, аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан қилинаётган ишлар хусусида эса меҳнат бош бошқармаси бошлиғи С. Саидкаримовлар батафсил тўхталиб ўтишди. Ушбу масалалар бўйича шунингдек, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, айрим туманлар ҳокимлари ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мажлис давомида ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, «Камолот» жамғармасининг ёшлар билан олиб бораётган ишларини янада яхшилаш, такомиллаштириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш сўнгида кўриб чиқилган масалалар юзасидан «Камолот» жамғармаси ишини яхшилаш ва такомиллаштириш юзасидан жамғарманинг аниқ иш режасининг тузилиши, мактаб ва коллежларни битираётган йигит-қизларни иш жойлари билан таъминлаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиши, ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонда бўлиб, ишламаётган аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриб чиқиш лозимлиги тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Саноат*

# ЮРАГИДА ЎТИ БОР

*— Корхонамизда фақат ёшлар меҳнат қилишади, - дейди «Империал» қўшма корхонаси таъсисчиси Мурод Мусашайхов бир суҳбатимизда, - лекин улар билан ишлаш ғоятда мароқли. Нега деганда уларда куч-ғайрат, билим, қунт ва чидам етарли. Фақат бу нарсаларни фойдали томонга йўналтиришда уларга кўмак ва маслаҳат зарур. Чинданам корхонада бўлганимизда чет эл дастгоҳларини моҳирлик билан бошқариб, рақобатбардош маҳсулот — чет элникидан қолишмайдиган девор гулқоғозлари тайёрлаётган ёшларни учратдик. Ана шулардан бири — корхона илғори, ёш бўлсада ўз ишининг устаси бўлиб жамоадошлари ҳурматини қозонган Собир Йўлдошевдир. Корхона раҳбари Собирни ниҳоятда камтар, ўз вазифасини сидқидилдан бажарадиган юрагида ўти бор йигит эканлигини алоҳида таъкидлагани боис, менда у билан суҳбатлашиш истаги туғилди.*

**— Собиржон, эндигина ўн саккизга тўлибсиз. Нима учун ўқишни давом эттирмадингиз?**

— Тўғрисини айтсам, мактабда ўртача ўқирдим. Шу боис ҳам аввал касб сирларини ўрганиб, бирор ҳунарни эгаллаш истаги туғилди менда. Ахир ҳамма қўлидан келган ишни қилгани яхши-да. Бу ниятим ота-онамга ҳам маъқул келди. Мана икки йилдирки, қўшма корхонада оператор бўлиб ишлаяпман. Замонавий технологияни бошқариб, чиройли ва сифатли маҳсулотлар чиқариш жудаям мароқли. Ушбу янги линияни бошқаришни эса бизга туркиялик малакали мутахассислар ўргатишди.

Лекин келажакда, албатта, ўқиш ниятим бор...

**— Бўш вақтингизда нималар билан шуғулланасиз?**

— Уй ишларига ёрдамлашаман, ўртоқларим билан учрашиб, суҳбатлашаман.

**— Нималар ҳақида?**

— Ишларимиз, ўқишларимиз, мактаб, ўқитувчилар, синфдошлар ҳақида. Ҳар кимнинг ўз орзуси бор-да, албатта. Уни дўстлар билан баҳам кўриш керак, деб ўйлайман.

**— Собир, Ватан нима, биласизми?**

— Албатта биламан. У менинг туғилган, мени вояга етказаётган муқаддас тупроқ. Ота-онамни қанчалик севсам, юртимни ҳам шунчалик ардоқлагим келади.

Фақат номард ва ичи қора инсонларгина ўз Ватанига,халқига ҳиёнат қилади. Шу боис ҳам мен барча тенгдошларимнинг ўзи туғилиб ўсган Ватанни эъзозлашини, Мустақил Ўзбекистонимиз равнақига муносиб улуш қўшишини истайман. Ахир Президентимиз, ҳукуматимиз биз ёшларга ўқишимиз, меҳнат қилишимиз, эркин фикрлашимиз учун барча шароитларни яратиб беришмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов ҳам доимо «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» деб айтмоқдалар. Ахир бизларга бундан ортиқ нима керак?» Келажакни ишониб бизнинг қўлимизга топшираётган Ватанимизга содиқ фарзанд бўлмоқлик биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

**— Турли ақидапарастларнинг найрангларига учиб, нотўғри йўл тутаётганларга нима дейсиз?**

— Ҳамманинг ўз мустақил фикри, эътиқоди бўлиши керак. Лекин уларни Ватан хоинларига айлантирадиган, ўз юртига, ота-онасига қарши қўядиган нопок кимсаларга эргашишини ҳечам оқламайман.

**— Йигит-қизларимиз «Ёшлик гашти» деган гапни кўп ишлатишади...**

— Мен ўйлайманки, ёшлик гаштини фақат ўйнаб эмас, балки ўзимизнинг кейинги ҳаётимизга пойдевор қўйиб сурмоғимиз лозим. Ахир гап фақат яхши еб-ичиш ёки ўйнаб-кулишда эмас-ку. Мен ёшлик дамларимнинг шундай ўтаётганидан, юртим равнақига озгина бўлсада ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман.

**Собир Йўлдошевга ўхшаган меҳнатсевар йигитларни албатта бугунги ёшларимизнинг фахри десак арзийди. Президентимиз таъкидлаганларидек, ана шундай фарзандларимизни асрамоғимиз, ҳеч кимнинг қўлига бериб қўймаслигимиз лозим.**

*Дилноза ҒИЁСОВА.*

*Ёшларимизни иш билан таъминлаш борасида шаҳримиздаги барча бандлик органларида жадал ишлар олиб борилмоқда. Улар билан ўқув масканларида, маҳаллаларда учрашувлар, суҳбатлар, очиқ мулоқотлар ташкил этилиб, бандлик органлари ёрдамида турли касб-ҳунарнинг эгалари бўлиш имкониятлари мавжуд эканлиги тушунтириб борилаётир. Фикримизнинг исботи учун Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасига қарашли ўқув марказида касб-ҳунар ўрганиш борасида кенг имкониятлар яратилганлигини айтиб ўтиш кифоя.*

# КАСБ ЎРГАНИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ, МАРҲАМАТ!

— Ўқув марказимизда 16 ёшдан юқори бўлган ёшлар ва касбини ўзгартирмоқчи бўлган фуқароларимиз билим олишади, — дейди биз билан суҳбатда марказ директори Абдуҳамид Мустагизов. — Бизга мурожаат этишдан олдин фуқароларимиз турар жойларидаги меҳнат органларига бориб учрашсалар барча йўл-йўриқлар ва қандай ҳужжатлар керак бўлиши ҳақида маълумот оладилар. Меҳнат органлари томонидан тавсия этилган ҳар бир фуқаро маълум вақт керакли соҳада билим олгач, иш билан таъминланиши кафолатланади. Мана йил бошидан бери марказимизга 1609 нафар фуқаро ўқиш учун қабул қилинди. Уларнинг 78 фоизини ёшлар ташкил этади.

**— Абдуҳамид ака, айтингчи, ўқишлар қайси соҳаларга бўлинган ва улар қандай тизимда олиб борилади?**

— Ўқитиш жараёни ҳозирги кун талабидан келиб чиқиб, барча кундалик эҳтиёж учун энг керакли бўладиган соҳаларни ўз тизимига киритган. Бунда энг кўп вақт сартарош ва косметологлар учун бўлиб, 6 ой муддат белгиланган. Қолган соҳалар: ҳисобчи, ЭҲМ оператори, котиба-референт, машинкада ёзувчи, уқаловчи, дурадгор, электр-газ пайвандчиси, бўёқчи-сувоқчи, кошинлар, радио-теле устаси, менежер, экстремал шароитдан чиқиш инструктори (психолог), стенографиячи, ҳарбий кийим тикувчиси, электр буюмлар созловчиси, лифт таъмирловчиси касблари учун 1,2,3,4,5 ойлик муддатлар ажратилган. Ўқишларнинг мукаммал бўлиши учун биз айрим соҳаларни жойларда, корхоналарда олиб борамиз, ҳамда юқори малакали мутахассисларни жалб этаётирмиз. Бундан ташқари миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида «Усто шогирд» услубида алоҳида ўқув режасини тузганмиз. Мана шу режа асосида зардўзлик, наққошлик, попопчилик, гилам тўқувчиси, ёғоч ўймакори соҳалари бўйича ҳунар ўрганадилар.

**— Яна қандай режалар белгиланаяпти?**

— Миллий касб-ҳунарларимизни янада ривожлантириш мақсадида кўп изланишлардан сўнг қўлда ип йигиришни ёшларимизга ўргатишни яқин кунларда бошлаймиз. Бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб хўжалик ҳисоби асосида таржимонликни ҳам йўлга қўйиш арафасидамиз. Хулоса қилиб айтганда, ёшларимизнинг илм олишлари, ҳунар ўрганишлари учун тўлиқ имкониятлар мавжуд.

*Гулзода АБДУЛЛА қизи.*

